

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017. Tar.44.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**Худайбергенов Равшан Турабович**

**ИСТАХРИЙНИНГ «КИТАБ АЛ-МАСАЛИК ВАЛ-МАМАЛИК» АСАРИ  
(ИЛМИЙ-ИЗОҲЛИ ТАРЖИМА ВА ТАДҚИҚОТ)**

**07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот  
усуллари**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD)**

**Content of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)**

**Худайберганов Равшан Турабович**

Истахрийнинг «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари (илмий-изоҳли таржима ва тадқиқот) ..... 3

**Худайберганов Равшан Турабович**

Сочинение «Китаб ал-масалик ва-л-мамалик» Истахри (научно-комментированный перевод и исследование) ..... 23

**Khudayberganov Ravshan Turabovich**

The work “Kitab al-masalik wa l-mamalik” by Istakhri (scientific and commented translation and research) ..... 43

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017. Tar.44.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ**

**Худайберганов Равшан Турабович**

**ИСТАХРИЙНИНГ «КИТАБ АЛ-МАСАЛИК ВАЛ-МАМАЛИК» АСАРИ  
(ИЛМИЙ-ИЗОҲЛИ ТАРЖИМА ВА ТАДҚИҚОТ)**

**07.00.08 – Тарихшунослик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот  
усуллари**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3 PhD/Tar198 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.beruni.uz](http://www.beruni.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Юсупова Дилором Юнусовна**  
академик, тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Ашраф Аҳмедов**  
тарих фанлари доктори  
**Зокиржон Саидбобоев Абдукаримович**  
тарих фанлари номзоди, профессор

**Етакчи ташкилот** **Ўзбекистон халқаро ислом академияси**

Диссертация ҳимояси ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017. Таг.44.01 Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, М. Улуғбек кўчаси, 79-уй, тел.: (99871) 262-54-61, Факс: (99871) 262-52-77, e-mail: [beruni1@uznet.net](mailto:beruni1@uznet.net)).

Диссертация билан ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_) рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек кўчаси, 79-уй, тел.: (99871) 262-54-61.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2020 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Б.А. Абдухалимов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,  
профессор

**О.А. Қориев**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
т.ф.н.

**Э.З. Нуриддинов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, т.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон миқёсида фан-техниканинг жадал тараққий этиши жараёнида манбашунослик илми ҳам такомиллашиб бормоқда. Қўлёзма меросни сақловчи фондларда манбаларнинг маълумотлар базалари шакллантирилмоқда. Шу сабабдан тарихий асарларни ўрганишда уларнинг барча нусхаларини илмий муомалага киритиш имкони кенгайиб, манбашуносликда амалга оширилаётган ишларда масалага янгича ёндашиш зарурати пайдо бўлмоқда. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида ҳам Ўзбекистон тарихини ёритишда муҳим аҳамиятга эга ва такомиллашган замонавий усулларда ўрганилиши лозим бўлган кўплаб қўлёзма манбалар бор.

Тарихий манбалар замонавий манбашуносликда факсимиле, танкидий матн, илмий-изоҳли таржима ва табдил шаклларида ўқувчига тақдим этилади. Матнга котиб, таржимон, гоҳида оддий ўқувчи ўзгартиришлар киритган ҳолатлар учраб туради. Оқибатда вақт ўтиши билан бир-биридан фарқ қилувчи турли қўлёзма нусхалар пайдо бўлади. Манбанинг тарихий аҳамиятини унинг нашрга қадар етиб келиш ҳолати, мавжуд нусхаларнинг ишга жалб этилиш даражаси белгилайди. Сайёҳ, географ олим Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Форисий ал-Истахрийнинг (951 йилдан сўнг вафот этган) «Китаб ал-масалик вал-мамалик» («Йўллар ва ўлкалар китоби») асари қўлёзма нусхалари ҳам узоқ асрлар давомида шу каби мураккаб жараёнларни бошдан кечирди. У XIX–XX асрларда дунё мутахассислари томонидан турли тилларга таржима қилинди, тадқиқ этилди. Уларнинг барчасида асарнинг айрим нусхаларигина тадқиқотга жалб қилинган. Аммо бажарилган ишлар муаллиф таржимаи ҳоли, тарихий меросига оид катта чалкашликлар ва қизғин баҳс-мунозараларни келтириб чиқарди. У ҳозир ҳам давом этаётир. Бу каби салбий ҳолатлар асар нусхаларини тўлиқ тадқиқотга жалб этиб, муаммони бартараф этиш зарурлигини тақозо қилади.

Шарқ Ренессанси даврида география фанида (X аср) юксалиш жараёни кечди. Бу йўналишда Бағдод ва Балх мактаби шаклланди. Абу Зайд ал-Балхий (ваф. 934) Балх мактабига асос солди. У асарида дунё ва X аср мусулмон оламининг йигирма икклими харитасини тузди. Асар бизгача етиб келмаган. Истахрий «Китаб ал-масалик вал-мамалик»да Балхий асарини янги маълумотлар билан тўлдириб, бойитади ва аниқликлар киритади. Асарнинг биз учун энг қимматли жиҳати унда «Мовароуннаҳр» қисми географияси ва харитаси мавжудлигидир. Шундай бир тарихий муҳим ва қимматли манба шу пайтгача Ўзбекистонда илмий асосларда тўлиқ ўрганилмагани, ўзбек тилига таржима қилилмагани мазкур мавзу тадқиқининг ўта долзарблигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш

тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорининг 3-илоvasида Истахрийнинг «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари илмий-изоҳли таржимасини амалга ошириш вазифаси алоҳида кўрсатилган<sup>1</sup>. Шунингдек, 2017 йил 11 августидаги ПҚ-4390-сон «O‘zbekiston tarixi» телеканалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент қарори<sup>2</sup> ва соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилган.

**Муаммонинг ўрганилиш даражаси.** Истахрийнинг «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асарига қизиқиш муаллиф ҳаётлигида бошланган. Тарихий манбалар тадқиқи араб мамлакатлари билан бир қаторда Хуросон ва Мовароуннаҳр муаллифлари ҳам ўз ишларида «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асаридан фойдаланганини кўрсатди<sup>3</sup>.

Ушбу асар XIX асрдаёқ Европа илм аҳлига маълум бўлган. У бугунги кунда ҳам мутахассислар эътиборида турибди. Истахрий ҳаёти ва «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари устида олиб борилган илмий тадқиқотлар умумлаштирилиб, бир неча гуруҳга ажратилди.

1. «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари кўлёмаларининг каталоглардаги тавсифлари.

Каталоглар нашри XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. 1866 йили Г. Флюгел «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг Венадаги қироллик кутубхонасида сақланаётган форс тилидаги нусхасини тавсифлайди<sup>4</sup>. Асарнинг ғарбий Европа фондларида сақланаётган нусхалари ҳақида Ч. Рёе, В. Перч, В. Розен, П. Захау ва Г. Эте, В. Алвард, А. Эллас, Е. Блоше, П. Вурхеве ва А. Арберри тузган бир қанча каталогларда чоп қилинган<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> [http://lex.uz/search/nat?form\\_id=3972&from=24.05.2017&to=24.05.2017&actnum=2995](http://lex.uz/search/nat?form_id=3972&from=24.05.2017&to=24.05.2017&actnum=2995).

<sup>2</sup> <http://lex.uz/docs/4414469>.

<sup>3</sup> Худуд ал-алем. Рукопись Туманского с введением и указателем В.В. Бартольда. – Ленинград: Издательство Академии наук СССР, 1930; Махмуд ибн Валий. Бахр ал-асрар фи манакиб ал-ахйар. ЎзР ФА Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Инв. № 2372; Абу Тохирхўжа. Самария // Мерос. – Тошкент: Камалак, 1991.

<sup>4</sup> Flugel G. Die arabischen, persischen and turkischen Handschriften des Kaiserlich-Koniglichen Hofbibliothek. – Wein. 1866. – В. II. №1271.

<sup>5</sup> Rieu Ch. Catalogue of the persian manuscripts in the British Musium. – London, 1879. – V. I. – P. 416; Pertsch W. Die Orientalischen handschriften der herzoglichen bibliothek zu Gotha, die arabischen handschriften. – Gotha, 1881. – В. III. № 1521; унинг: Die Orientalischen Handschriften der Herzoglichen Bibliothek zu Gotha auf befehe Sr. Hoheitdes herzogs Ernst II, von S.Coburg-gotha verzeichnet. Berlin, 1888: Dr. Martin Sandig oHG. – В. II. № 36; Rosen V, Remarques sur les manuscripts orientaux de la collection marsigli a Bologne suivies de la liste complete des manuscripts arabes, - Rome: Imperimerie de L’Academieroyale des Lyncei, 1885. № 421, Б. 94; Sachau P., Ethe H. Catalogue of the Persian, Turkish, Hindustani, and Pushtu manuscripts in the Bodleian Library, Part I. The Persian manuscripts. – Oxford: Claredon press, 1889. № 396; Ethe H. Catalogue of the Persian manuscripts in the

Россия фондларида «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг фақат форс тилидаги нусхалари сақланади. Тавсифлар ҳажми ва мазмунига кўра аввалгиларидан тўлиқроқлиги билан фарқ қилади<sup>6</sup>.

Ҳозирги пайтда асарнинг турли фондларда сақланаётган электрон каталоглари ҳам бор<sup>7</sup>.

2. «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари нашрлари ва таржималари.

Й. Мюллер 1839 йили лотинча муқаддима билан асарнинг Гота нусхаси факсимилесини нашр этади<sup>8</sup>. Голландиялик арабшунос Де Гук 1870 йили танқидий матнини чоп қилади. Мазкур нашр билан «Араб географлари кутубхонаси» (BGA) сериясига асос солинади ва у кўп марта чоп этилади<sup>9</sup>. Танқидий матнга асарнинг араб тилидаги учта қўлёзмасидан ташқари форсий таржималари ва Ибн Ҳавқал асари ҳам жалб этилади. Ҳиний 1961 йили Де Гук матни ва Қоҳирада янги топилган уч нусха асосида бошқа танқидий матни эълон қилади<sup>10</sup>. Шу йили Ирож Афшор «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг ўрта асрлардаги форсча таржимасининг 3 нусхаси асосида танқидий матнини чоп этади<sup>11</sup>. К. Қандил 1986 йили Гота нусхасининг танқидий матнини тайёрлаш орқали докторлик ишини ҳимоя қилади<sup>12</sup>. Эронлик олим Феруз Мансурӣ 1999 йили асарнинг «Ашқал ал-алам» номидаги форсча таржимаси танқидий матнини эълон қилади ва Абул-Қосим ибн Аҳмад ал-Жайҳонийни асар муаллифи, деб кўрсатади<sup>13</sup>.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» бугунги кунда бир неча тилларга тўлиқ ва терма таржима қилинган. В. Аузли 1800 йили форс тилидаги нусхаси асосида асарни инглиз тилига ўтиради. Таржимон уни Ибн Ҳавқал

---

library of the India Office. – 1903. – V. I. №2804; Ahlwardt W. Die Handschriften-verzeichnisse Koniglichen bibliothek zu Berlin. Verzeichniss der arabischen handschriften. – Berlin: A.Asher & Co. 1893, – B. V, – S. 362, № 6032; Blochet E. Catalogue des Manuscrits Persans de la Bibliotheque nationale. Paris. 1905. – V. I. № 654-656; Ellas A.G. A descriptive list of the Arabic manuscripts acquired by the trustees of the British museum since 1894. – London: Longmans & Co, 1912. – P. 111; Arberry A. The Chester Beatty library. A handlist of the Arabic Manuscripts. – Dublin: Emery Walker LTD, 1955. – V. I. – № 3007; Voorhoeve P. *Codices Manuscripti Handlist of Arabic Manuscripts*. Springer; 2 edition. – Springer. Netherlands. 1980. – P. 200.

<sup>6</sup> Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекской ССР. В 11 т-х. – Ташкент: Издательство Академии наук Уз ССР, 1952. Т. 1. № 691; Миклухо-Маклай Н.Д. Описание таджикских рукописей Института востоковедения. Выпуск I. Географические сочинения. – Москва-Ленинград: АН СССР, 1955. Инв. №№ 1, 2; Вильданова А.Б. Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. Точные и естественные науки. – Ташкент: Фан, 1998, Инв. № 643.

<sup>7</sup> أيمن فؤاد سيد، فهرس المخطوطات العربية في مكتبة المعهد العلمي الفرنسي للأثار الشرقية بالقاهرة، منشورات المعهد العلمي الفرنسي للأثار الشرقية 72-71-ص-1996، بالقاهرة - 1996، [https://www.al-furqan.com/our\\_is\\_item/manid/1480338/groupid/0](https://www.al-furqan.com/our_is_item/manid/1480338/groupid/0) ва бошқ.

<sup>8</sup> Moeller J.H. Scheicho Abu-Ishako el-Faresi vulgo el-Isthachri. Liber Climaum. – Gothae: Libraria Beckeriana, 1839.

<sup>9</sup> Michael Jan de Goeje (1836-1909) and the Editing of Arabic Geographical Texts', in: *Bibliotheca Geographorum Arabicorum*, volume I-1 = *Kitab al-Masalik wal-mamalik* by Abu Ishaq al-Istakhri, *Viae regnorum: descriptio ditionis Moslemicae / auctore Abu Ishak al-Farisi al-Istakhri. M.J. de Goeje's Classic Edition (1870) with a biographical note on M.J. de Goeje by Jan Just Witkam*. Leiden / Boston (Brill) 2015.

<sup>10</sup> ابو اسحق ابراهيم بن محمد الفارسي الاصطخرى. المسالك و الممالك. تحقيق الدكتور جابر عبد العال الحيني. – القاهرة، 1961.

<sup>11</sup> الاصطخرى. مسالك و ممالك (ترجمه فارسي مسالك الممالك). بكوشش ابرج افشار. – تهران، 1961

<sup>12</sup> A critical edition of *Kitab al-Aqalim* by al-Istakhri al-Shaikh Abu Ishaq Ibrahim b. Muhammad al-Farisi: died after 340/951., K.H.J. Qandil, University of Exeter, 1986. Dissertation.

<sup>13</sup> اشكال العالم. ابو القاسم بن احمد جيهاني. نخستين جهانگرد و جغرافي انگار ايراني. ترجمه: علي بن عبد السلام كاتب، مقدمه و تعليقات: فيروز منصورى، - تهران: آستان قدس رضوي، 1368/1999.

асари, дея кўпол хатога йўл қўяди<sup>14</sup>. А. Мордтман 1845 йили Гота қўлёзмасидан асарни немис тилига таржима қилади<sup>15</sup>. С. Волин, Л.З. Писаревский, З.Н. Ворожейкина, В. А. Ромодин, Л.Е. Куббел ва В.В. Матвеевлар тадқиқотларида асар рус тилига терма таржималар қилинган<sup>16</sup>. Р. Шешен асардан туркларга оид маълумотларни ажратиб, турк тилига ўгиради<sup>17</sup>. Мавжуд таржималарнинг охиргиси Мурат Ағарига тегишлидир. У 2015 йили илмий-оммабоп тарзда асарнинг тўлиқ матнини туркчада босиб чиқаради<sup>18</sup>.

3. Араб географларининг Балх мактаби ҳамда «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари асосида турган дунё ва йигирма иқлим харитаси тадқиқига бағишланган ишлар учинчи гуруҳга ажратилди.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» нашрларида хариталар турли даражада тадқиқ қилинган. В. Аузли таржимаси ва Де Гуге танқидий матнида хариталар тушириб қолдирилган. А. Мордтман таржимасида фақат Рум денгизи, Ироқ, Форс, Каспий денгизи ва Хуросон хариталарини келтиради. Ҳиний Қоҳирадаги «Дар ал-кутуб ал-мисрийа» фондида сақланаётган уч нусха асосида тайёрланган нашри сўнгида хариталарни илова қилади. Ироқ Афшор Эрон Бостон музейи нусхаси хариталари билан асарни чоп қилади. К. Қандил хариталарни қайта чизади. Феруз Мансурий Кобул музейи нусхаси хариталарини нашр охирида илова қилади.

XX аср бошларидан асар хариталарининг кенг қўламли алоҳида тадқиқи бошланди. К. Миллер, Й. Крамерс, Г.Р. Тиббетс, Ф. Форет, К. Пинто, Д. Агиус, Ч. Бенчекрон, С. Бренйес, Ҳавлаҳ Аҳмад, А. В. Судаков, В. В. Паромов, И. Квежанович, Р. Гулчиан, Ҳ. Ҳасанов, В.Н. Федчина, Ш. Камолиддинов тадқиқотларида «Китаб ал-масалик вал-мамалик» нашри, айрим қўлёзма нусхасидаги дунё ё бирор иқлим харитаси келтирилган ва изоҳланган<sup>19</sup>.

---

<sup>14</sup> The oriental geography of Ebn Haukal, an Arabian traveller of the tenth century. Translated from a manuscript in his own possession, collated with one preserved in the library of Eton College, by Sir William Ouseley, – London: Oriental Press, 1800.

<sup>15</sup> Das Buch der Lander, Scheich Ebu Ishak el Farsi el Isztachri, Aus dem Arabischen ubersetzt von A.D. Mordtmann. – Hamburg: Rauhen houses in Horn, 1845.

<sup>16</sup> Материалы по истории туркмен и Туркмении. VII-XV вв. Арабские и персидские источники. В 2-х томах. – М.-Л.: Издательство АН СССР, 1939. – Т. I. – С. 26-27, 167-181; Хрестоматия по истории Халифата. – М.: МГУ, 1968. пер. Л. И. Надирадзе (<http://www.vostlit.info/Texts/rus4/Istahri/otryv2.phtml?id=591>); Ал-Истахри. Книга путей и государств. пер. Л. Е. Куббеля, В. В. Матвеева // Древние и средневековые источники по этнографии и истории Африки южнее Сахары. Т. 1. Арабские источники VII-X вв. – М.-Л.: АН СССР. 1960 (<http://www.vostlit.info/Texts/rus4/Istahri/otryv1.phtml?id=590>); Масалик ал-мамалик ал-Истахри. Перевод с арабского Л.З. Писаревского// Материалы по истории киргиз и Киргизии. – М.: Наука, 1974. – С. 15-23; [Китаб] масалик ал-мамалик ал-Истахри. Перевод с персидского и комментарии З.Н. Ворожейкиной // Материалы по истории киргиз и Киргизии. – М.: Наука, 1974. С. 24-34.

<sup>17</sup> Şeşen R. İslâm Coğrafyacılarına göre türk ve türk ülkeleri (İkinci baskı). – Ankara: Ankara Üniversitesi basımevi, 1998. – S. 154-162.

<sup>18</sup> Istahri, Ülkelerin yolları. Değerlendirme-metin Çeviren: Murat Ağarı. – Istanbul: Ayışığıkitapları, 2015.

<sup>19</sup> Miller K. Mappae Arabicae. Bd. I-V. – Stuttgart: Selbstverlag des herausgebers, 1926-1931; Kramers J.H., La question Balkhi-Istahri-Ibn Hawkal et l'Atlas de l'Islam // Acta Orientalia. 1932. – № 10. – P. 9-30; Gerald R. Tibbets. The Balkhi School of Geographers. Cartography in the Traditional Islamic and South Asian Societies // The History of Cartography. In 6 V. – Chicago: The university of Chicago press, 1992. V. 2, Book 1, Chapter 5. – P. 108-136; Федчина В.Н. Некоторые картографические сведения о территории Средней Азии в трудах ученых средневекового Востока // Из истории науки и техники в странах Востока. Сборник статей. Выпуск I. –



Биргина «Китаб ал-масалик вал-мамалик» муаллифлиги борасида чалкашликнинг мавжудлиги асар етарлича тадқиқ этилмаганига далолатдир.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат шарқшунослик институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Марказий Осиё давлатларида Марказий Осиё халқлари тарихи ва тарихий географиясини ўрганиш муаммо ва тенденциялари» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Истахрийнинг географияга оид «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари IX–X асрларда Марказий Осиёнинг тарихий географиясини ўрганишдаги муҳим бирламчи манба эканини очиб беришдан иборатдир.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Истахрий ҳаёти билан боғлиқ тадқиқотлардаги чалкашликларга ойдинлик киритиш ва «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг муаллифлик муаммосини ҳал этиш;

Истахрий илмий мероси ва саёҳат қилган жойларни аниқлаш;

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари қўлзма нусхаларини йиғиш;

«Китаб ал-ақалим» асари ва «Китаб ал-масалик вал-мамалик» фарқларини аниқлаш;

арабча матн ва форс тилига таржимасини қиёсий таҳлил қилиш;

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» матни ва хариталардаги жой номларини ўзаро қиёслаш;

асарнинг араб ва форсий тилларидаги турли матнларини жамлаб, «Мовароуннаҳр» қисмини ўзбек тилига ўгириш.

---

Москва: Изд-во Восточной литературы, 1960. – С. 454-466; Ҳасанов Ҳ. Маҳмуд Қошғарий (Ҳаёти ва географик мероси). – Т.: ЎзССР ФА нашриёти, 1963; Karen C. Pinto. "Surat Bahr al-Rum" (Picture of the Sea of Byzantium): Possible Meanings Underlying the Forms // Eastern Mediterranean cartographies. – Athens, 2004. – P. 223-241; Galichian R. Historic Maps of Armenia. The Cartographic Heritage, IB Tauris. – London & NY, 2004. – P. 232 ва бошқ.; Forêt P., Kaplony K. The Journey of Maps and Images on the Silk Road. - LEIDEN • BOSTON: Brill, 2008; Паромов В.В. Картография с основами топографии. Часть 2. Картография. Учебно-методическое пособие. –Томск: Изд-во Томского государственного педагогического университета, 2010; Khawlah Ahmed. Arab Islamic Scholars: Contributions Lost. Journal of Arts and Social Sciences (JASS) 2 (1) 2011. Muscat: Sultan Qaboos University. – P. 32-45; Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-арз. Мовароуннаҳр. Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Ш.С. Камолиддин. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2011; Cvijanović I. Description of the Earth in the works of Arabic geographers from IX to XII century // Publications of the Astronomical Observatory of Belgrade – Belgrade, 2012. – № 91. – P. 371-375; Maps and Mapmaking // The Oxford Encyclopedia of Philosophy, Science, and Technology in Islam. – Oxford: Oxford University Press, 2014. – P. 1-6. <http://ezpro.cc.gettysburg.edu:2197/view/10.1093/acref:oiso/97...>; Судаков А.В. Формирование географических представлений о нижнем Поволжье в период раннего средневековья в Хазарии, Киевской Руси, Византии в арабском мире // Псковский регионологический журнал. – Псков, 2015. – № 21. – С. 17-37; Chafic T. Benchekroun. Requiem Pour Ibn Hawqal. Sur l'hypothèse de l'espion fatimide // Journal Asiatique. – Paris, 2016. – P. 193-211; Brentjes S. Cartography // Encyclopaedia of Islam Three. Brill, 2016, Vol. 4. – P. 15-29; Agius D. Sea zones : the Balkhī school's conceptual mapping of the Indian Ocean // Méditerranée et Océan Indien. – Paris, 2017. – P. 225-243; <http://myoldmaps.com/early-medieval-monographs/211-al-istakhris-world-map/211-istakhri.pdf>; <https://newsoftheworldnews.wordpress.com/2017/01/17/ancient-maps-from-muslim-civilization/>; <http://www.muslimheritage.com/article/unpublished-works-of-arabic-geography>.

**Тадқиқот объекти** сифатида Истахрийнинг «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари (тарихий манбашунослик ва матншунослик таҳлили) белгиланган.

**Тадқиқот предмети**ни Истахрий ҳаёти ва илмий меросига тааллуқли илмий тадқиқотлар, сафарлари, асарнинг арабча матнлари ва форсий таржималари қўлёзма нусхалари, хариталари, нашрлари ташкил қилади.

**Тадқиқот усуллари.** Ишда маълумотларни хронологик даврлаштириш, тизимли даврлаштириш, қиёсий ва миқдорий таҳлил усулларида ҳамда олдинги тадқиқотлар тажрибаларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Истахрий ҳаёти ва фаолиятига оид фанда мавжуд, бироқ тарихий манбаларда тасдиғини топмаган шубҳали маълумотлар кўрсатиб берилган;

Истахрий сафар қилган, аввалги тадқиқотларда кўрсатилмаган янги жойлар (Араб диёри бўлимида Оман; Мисрда Фустот ва Тиннис ороли; Хузистонда Осак ва Сус; Форсда Истахр ва Шероз; Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Суғд вилояти) аниқланган;

Истахрий тавсифий география йўналишида ёзилган «Китаб ал-ақалим» ва «Китаб ал-масалик вал-мамалик» номи билан машҳур икки мустақил асар муаллифи экани ва «Ашкал ал-олам» «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг форсий таржимаси экани исботланган;

«Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг форсий таржимаси арабча матндан бир оз қисқа бўлса ҳам баъзи кичик маълумотлар билан тўлдирилиши арабча матн мазмунини тўғри англашга кўмаклашиши жиҳатидан илмий аҳамиятга эга экани илмий асосларда очиб берилган;

фанда Хуросон ноиби Абдуллоҳ ибн Тоҳирнинг мустақилликка интилган шахс сифатида қараш учун асос бўлган далиллар бундай хулосага келиш учун етарли эмаслиги, уларнинг бу масалага тўлиқ мос тушмаслиги аниқланган;

тарихий манба таржимасидан кўзланган асосий мақсад – илмий муомалага киритиш учун асарнинг имкон қадар барча нусхаларини тадқиқотга жалб этиш зарурлиги ва бу ишни амалга оширишда танқидий матн тайёрлаш усулларида фойдаланиш мумкинлиги асослаб берилган;

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» хариталаридаги жой номлари сони нафақат асар матнидагидан фарқли тафовутлари аниқланди.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагиларни ўз ичига олади:

«Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг «Мовароуннаҳр» қисми араб тилидаги (11 та) ва форсий таржимасидаги (8 та) матнлари асосида таржима қилиниши асосида улардаги барча фарқлар илмий муомалага киритилган;

асарнинг «Мовароуннаҳр» қисмида келтирилган жой номларининг маълумотлар базаси шакллантирилган;

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» турли давр ва жойларда кўчирилган нусхаларида мавжуд хариталарни ўзида жамлаган монография нашр этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тарихий манбаларни қиёсий ўрганиш, матншунослик талабларига амал қилиш ва бу йўналишдаги

дунё олимлари иш тажрибаларига таяниб иш олиб борилгани, «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг янги нусхалари аниқлангани, араб ва форсий танкидий нашрлари, ўрта асрларда ёзилган элликка яқин асар ва уларнинг тадқиқига бағишланган илмий адабиётлардан фойдаланилгани; ушбу тадқиқот натижалари Республика ва халқаро анжуманларда муҳокама қилингани ҳамда маҳаллий, халқаро илмий журналларда эълон қилингани ишнинг ишончлилигини тасдиқлайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертация мусулмон оламининг X асрдаги Европа, Осиё ва Африка қитъалари, Марказий Осиё тарихий географиясини ёритувчи тарихий манбалар тадқиқига оид услубий ёндашувлар ва назарий хулосаларни мукаммаллаштиришга хизмат қилади.

Бир манба тадқиқига барча нусхаларини жалб этиб, таржима қилиш тажрибасини ўтайди. Манбашунослик йўналишидаги таълим жараёнларини янги маълумотлар билан бойитишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** «Истахрийнинг «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари (илмий-изоҳли таржима ва тадқиқот)» мавзуидаги докторлик илмий изланишлари натижалари:

ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 2017–2018 йилларда бажарилган ОТ – А1-4И: «Марказий Осиё давлатчилиқ тарихига оид маълумотлар (исломгача бўлган манбалар (хитой манбалари)дан таржима ва тадқиқотлар)» мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида нашрга тайёрланган «Марказий Осиё давлатчилиқ тарихига оид маълумотлар (хитой манбалари асосида)» номли монографияда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 15 февралдаги 3/1255-420-сон маълумотномаси). Диссертант ўзбек тилига таржима қилинган «Шин Танг-шу (Танг сулоласининг янги тарихи)» номли хитой манбасидаги маълумотларни араб манбаларидаги ахборотлар билан таққослаб, уларни илмий изоҳлашда бевосита иштирок этган;

ЎЗР ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи экспозициясини такомиллаштиришда ҳам фойдаланилган. Хусусан, экспозициянинг ўрта асрлар бўлими тадқиқотчи томонидан тақдим этилган «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асарининг дунё фондларида сақланаётган бешта қўлёзмасининг электрон нусхаси, 1839 йилга оид факсимиле нашри, асардаги тарихий хариталар таҳлили, Истахрийнинг ҳаёти ва илмий мероси билан боғлиқ маълумотлар билан бойитилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 15 февралдаги 3/1255-420-сон маълумотномаси). Тақдим этилган «Китаб ал-масалик вал-мамалик» қўлёзмалари ва асарнинг турли нашрларида келтирилган тарихий хариталар ўрта асрларда яратилган хариталар борасида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш имконини беради;

“O’zbekiston tarixi” телеканалининг туркум кўрсатувларидан бири бўлган “Тарихий савол” ток-шоусининг 2019 йил 12 ноябрдаги “Ўрта Осиёга келган сайёҳлар ва сафарномалар” мавзусидаги дастурининг сценарийсини шакллантиришда фойдаланилиб, (“O’zbekiston tarixi” телеканалининг 2019

йил 26 ноябрдаги 01-14-2459-сон маълумотномаси) кўпчилик тадқиқотчиларнинг хулосасига кўра, сафарномаларнинг манбавий аҳамияти, Ўрта Осиё билан боғлиқ, ҳали эълон қилинмаган янги маълумотлар – маҳаллий аҳолининг бошқа халқларда кўрилмаган урф-одатлари, ҳарбий салоҳияти ва бу борадаги ўзига хос жиҳатлари билан боғлиқ янги маълумотлар таҳлиллар асосида экспертнинг илмий янгилиги сифатида тақдим қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 13 та илмий конференцияда, шу жумладан, 3 та халқаро конференция: «VIII. International Turcology Congress» (Истанбул/Туркия. 2013), «Eski Türk Dili ve Tarihine Yeni Bakışlar» (Истанбул/Туркия. 2013), «Цивилизации Великого шелкового пути из прошлого в будущее: перспективы естественных, общественных, гуманитарных наук» (Самарқанд/Ўзбекистон. 2017) ва 9 та республика илмий-амалий анжуманида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш эълон қилинган. Шулардан 1 та монография, 1 та ўқув кўлланма (ҳаммуаллифликда), хориж журналларида 2 ва республикада 7 та мақола чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари натижаларини нашр қилишга тавсия этган илмий журналларда 8 та мақола, жумладан, 7 та республика ва 1 та хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертация тузилиши ва ҳажми.** Диссертация: кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 121 бет, илова 76 бет.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади, вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Мавзу республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси ва тадқиқот тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Биринчи боб «**Истахрий ва унинг илмий мероси**» деб номланди. «**Истахрий ҳаёти ва саёҳатлари**» номли биринчи бандида Истахрий ҳаёти ва саёҳатлари билан боғлиқ фанда мавжуд маълумотлар таҳлил қилинди, масаланинг бугунги ҳолати ёритилди.

«Жуғрофия фани отаси»<sup>20</sup> Истахрийнинг «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари мусулмон географлари орасида машҳур бўлган. Шунга қарамай, ҳозиргача муаллиф таржимаи ҳолига оид маълумотлар етарли эмас. Бори ҳам Истахрий билан бир асрда яшаб ижод этган икки сайёҳ географ

<sup>20</sup> شمس الدين سامي. قاموس الاعلام. – إستانبول: مهران، 1302. ج. 1. – ص. 991.

асарларида жуда қисқа келтирилган. Улардан бири Ибн Ҳавқалдир. У ёзади: «Абу Исҳоқ ал-Форисий билан учрашдим. У Ҳинд ерининг суратини чизди ва чалкаштириб юборди. Форсни чизди, яхши чизди. Ушбу саҳифадаги Озарбайжон суратини чиздим, маъқуллади, Жазирани яхши деб топди. Мисрни нотўғри, Мағриб тасвирининг кўп қисмини хато чизди. Шунда у: «Иқтидорингни кўрдим, китобимда адашган ўринларимни тузатиб бергин», – деди»<sup>21</sup>.

Муқаддасий куйидагича ахборот беради: «Иброҳим ибн Уббод кутубхонасида Абу Зайд ал-Балхий китобини унга илова қилинган хариталари билан кўрдим. Худди шундай китобни Нишопурда Абу Муҳаммад ал-Микалий кутубхонасида ҳам кўргандим. Унда муаллиф кўрсатилмаган эди. Айтишларича, муаллифи Абу ал-Марзбон ал-Кархий эмиш. Бухорода бошқасини кўрдим, муаллифи Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Форисий, шуниси тўғри. У билан учрашган ва суҳбатда бўлган одамларни кўрганман. Бири – Абу Ҳамид ал-Ҳамадоний, бошқаси – Ҳаким Абу Наср ал-Ҳаририй эди»<sup>22</sup>.

XX аср бошида Шамсиддин Сомий (ваф. 1322/1904) «Қомус ал-аълам» асарида: «Истахрий бошланғич таълимни Истахрда олади. География фанига қизиқиб, бу фанни чуқурроқ ўрганиш ва маълумот тўплаш ниятида ҳижрий 303/915–916 йили Истахрдан чиқиб кетади. Ҳиндистондан мағрибнинг чеккаси ва Баҳри Муҳит Атласий (Атлантика океани) соҳилигача барча Ислом мамлакатлари ва атрофларини кезади», – деб ёзади<sup>23</sup>. Замонавий тадқиқотларда Истахрий биографияси, кўпроқ вафот йили билан боғлиқ турли саналар изоҳларсиз келтирилади.

Истахрий биографиясига тегишли маълумотлар умумлаштирилганда куйидаги манзара ҳосил бўлди:

А. Рона-Тас ёзишча, Истахрий Самарқандда вафот этган<sup>24</sup>. Бу ахборот «Китаб ал-масалик вал-мамалик»даги муаллифнинг «Мен Самарқандда бўлган пайтимда» иборасидан олинган бўлиши мумкин<sup>25</sup>. Бироқ мазкур маълумот Истахрий бу шаҳардан чиқиб кетганидан дарак берапти.

Истахрий «951 йилдан сўнг» вафот этгани ҳақидаги фикр Де Гуега тегишлидир. У асардаги тарихий маълумотларга таяниб шундай хулосага келади<sup>26</sup>. Ирож Афшор ҳеч бир манба кўрсатмасдан Истахрий вафотини 346/957–958 сана билан белгилайди<sup>27</sup>.

<sup>21</sup> Ibn Haukal. Opus Geographicum. Liber imagines terrae. M.J. de Goeje. – Lugduni Batavorum: Brill, 1967. – P. 23.

<sup>22</sup> Al-Muqaddasi. Discriptio imperii moslemici. M.J. de Goeje. – Lugduni Batavorum: Brill, 1967. – P. 5.

<sup>23</sup> شمس الدين سامي. قاموس الاعلام. – إستانبول: مهران، 1302. – ج. 1. – ص. 991.

<sup>24</sup> András Róna-Tas. Hungarians and Europe in the early Middle Ages. – Budapest: Central European University Press, 1999. – P. 71.

<sup>25</sup> الاصطخرى. المسالك و الممالك. – ص. 178.

<sup>26</sup> De Goeje M.J. Die Istakhri – Balkhi frage // Zeitschrift der Deutschen morgenlandischen Gesellschaft. – Leipzig, 1871. – P. 49.

<sup>27</sup> الاصطخرى. ترجمه فارسی مسالك الممالك. – ص. 11.

Асарда Уммавийларнинг Кордова халифаларидан 929–961 йилларда<sup>28</sup> ҳукмронлик қилган Абдурахмон III номи қайд этилиши ва Ҳинийнинг «У Нух ибн Носир Сомоний ёки унинг ўғли Абдулмалик (ваф. 350/961–962) даврида Самарқанд ҳокими Абул-Музаффар Муҳаммад ибн Луқмонни эслаб ўтади»,<sup>29</sup> каби мулоҳазалари сабабли Истахрий вафотига оид 961 сана ҳам пайдо бўлади.<sup>30</sup> Замоनावий тадқиқотларда ҳозиргача шундай чалкашликлар давом этаётир.

Манбаларда Истахрий ҳаётига оид Ибн Ҳавқал ва Муқаддасий маълумотидан бошқа ахборот бугунгача аниқланмаган. Шу сабабдан бу борада бирор аниқ санани кўрсатиб бўлмайди. Ҳозирча у X асрда яшагани ва 951 йилдан сўнг вафот этгани ҳақидаги тахмин билан кифояланиб туришга тўғри келади.

Тадқиқотлар таҳлили **Истахрий саёҳатлари** ҳам ҳалигача илмий асосларда тўлиқ ва ишончли ёритилмаганини кўрсатди. «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари бугунга қадар Истахрий сафарлари ҳудудларини аниқлашда ягона манба бўлиб қолмоқда. Асар сафарнома услубида ёзилмаган. Муаллиф борган жойлари тўғрисида алоҳида ёзмагани ва бирор санани қайд этмагани масалани анча мураккаблаштиради.

Тадқиқотчилар Истахрий сафар қилган жойларни минтақалар тарзида кўрсатишган. Кавсар Қандил бу борада бошқачароқ йўл тутиб, унинг сафарини аниқ жойлар билан кўрсатишга ҳаракат қилади. Истахрий сафар қилган жойларни учбурчак шаклида – Араб диёри, Шом ва Мовароуннаҳр иқлимлари билан белгилайди<sup>31</sup>.

Иш жараёнида тадқиқотчилар Истахрий сафар қилган жойларни аниқлашда Ибн Ҳавқал маълумотларига эътибор беришмагани маълум бўлди. Истахрий асарида «кўрдим», деб келтирган баъзи маълумотларни Ибн Ҳавқал ҳам китобида ўзгаришсиз «кўрдим», деб беради. Бу ҳолат бизгача бажарилган ишлар натижаларини шубҳа остида қолдиради<sup>32</sup>. Шу сабабли Истахрий сафар қилган жойларни белгилашда асар маълумотларига танқидий ёндашиб, масалани қайта кўриб чиқиш зарурати пайдо бўлди. Бу муаммога аниқлик киритиш учун қуйидаги йўналишларда изланиш олиб борилди:

- «Китаб ал-масалик вал-мамалик»да Истахрийнинг бирор ҳудудда бўлганига аниқ далил бўлувчи ва ишора қилувчи маълумотлар ажратиб олинди;

- маълумотлар тарихий манбалар ва матнларга қиёсланди ҳамда улар Истахрий ёки бошқага тегишли экани текширилди;

<sup>28</sup> الاصطخرى، المسالك و الممالك، - ص. 35.

<sup>29</sup> Ўша асар. – Б. 10.

<sup>30</sup> Brentjes S. Cartography // Encyclopaedia of Islam Three. Brill, 2016, Vol. 4. – P. 16.

<sup>31</sup> De Goeje M.J. Die Istakhri – Balkhi frage. – P. 49. Тагирджанов А.Т. Описание таджикских и персидских рукописей восточного отдела библиотеки ЛГУ. Т. 1. История, биография, география. – Ленинград: Издательство ленинградского Университета, 1962. – С. 374. Qandil. A critical edition of Kitab al-Aqalim. – P. 7-9.

<sup>32</sup> Ҳар бир ҳолат бўйича тадқиқотда алоҳида кўрсатилган.

• Истахрий ахборотлари ишончилигини аниқлаш мақсадида ўша давр манбалари билан таққосланди;

• мавзуга оид барча тадқиқот ишлари хулосалари Ибн Ҳавқалнинг «Китаб сураат ал-арз» асари маълумотлари билан изчил текшириб борилди.

Ушбу тадқиқотда муаллиф сафар қилган жойларга доир маълумотлар «Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари асосида таҳлил қилинганда саёҳат кўлами Кавсар Қандил белгилаганидан кенгроқ бўлиб чиқди. У борган жойлар Араб иқлимида Оман; Мисрда Фустот ва Тиннис ороли; Хузистонда Осақ ва Сус; Форсда Истахр ва Шероз; Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Суғд вилояти билан кенгайди.

Биринчи бобнинг иккинчи банди «**Истахрий илмий мероси**» деб номланди. Тадқиқот жараёнида Истахрий илмий мероси билан боғлиқ масала ҳам ҳалигача яқуний ечим топмагани аниқланди. Бу муаммо юзасидан ҳануз баҳслар давом этмоқда. Мазкур бандда XX аср охирида Феруз Мансурийнинг «Китаб ал-масалик вал-мамалик» муаллифи бошқа киши, Истахрий уни ўзлаштириб олган, деган даъвоси кўриб чиқилди<sup>33</sup>. Бу масала ҳал этилмасдан бошқа баҳсларга ўтиб бўлмайди.

Муаллифлик масаласига ойдинлик киритиш учун Жайҳаний ва Истахрий ҳаёти, асар кўлёзма нусхаларига доир маълумотлар қиёсланди ва таҳлил қилинди. «Ашқал ал-олам» матнида Абул-Қосим ибн Аҳмад ал-Жайҳаний мазкур асар муаллифи деб кўрсатилиши кўлёзмада йўл қўйилган хато экани аниқланди.

«**Китаб ал-масалик вал-мамалик**» асари тузилиши, мазмуни ва манбалари» номли учинчи бандда асарнинг тузилиши, мазмуни ва манбалари тадқиқ қилинди. Истахрий фаолият юритган ижодий йўналишга Абу Зайд ал-Балхий «ал-Ақалим» («Иқлимлар») асари билан асос солганди. У ўз давридаги мусулмон оламини 20 иқлимга тақсимлаб харита тузади ва унинг асосида ҳар бир иқлимни тавсифлайди. Ибн Ҳавқал ва Муқаддасий ҳам мазкур мактаб давомчилари эди.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» муқаддимасидан кейин 20 бўлим – Араб диёри, Форс денгизи, Мағриб диёри, Миср диёри, Шом диёри, Рум денгизи, Жазира ери, Ироқ, Хузистон, Форс, Кирмон, Синд, Арминийя, ар-Рон ва Озарбайжон, Жибал, Дайлам, Хазар денгизи, Хуросон чўли, Сижистон, Хуросон, Мовароуннаҳр иқлимлари тавсифланади.

Асарда аввал тавсифланаётган иқлим чегаралари ва сўнгра унга тааллуқли асосий шаҳарлар доираларга ажратилиб баён қилинади. Фақат Мовароуннаҳр иқлими бундан мустаснодир. Унинг умумий чегаралари баён қилинган, иқлим ва аҳолиси табиати таърифланади. Муаллиф аҳоли феъл-атвори, ҳарбий салоҳияти, халқнинг давлат бошқарувида ўзига хос муносабати, тижорат воситалари ва этнографияга оид жуда қизиқарли ва қимматли маълумотлар беради. Асосий матнда қисқача айтиб ўтилганига қарамай, иқлим тавсифи сўнгида ундаги доира, шаҳар ва қишлоқларни

<sup>33</sup> جيھاني، اشكال العالم، - ص. 10.

боғловчи йўллар ва масофалар алоҳида бўлим қилиб берилади. Ҳар бир иқлим харита билан таъминланган.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари матнлари** таҳлилига бағишланди. Истахрий илмий мероси ҳақида тадқиқотчилар билдирган турли баҳсли мулоҳазалар бу масалани алоҳида боб қилиб ажратишга сабаб бўлди. Масалага аниқлик киритиш учун асарнинг барча таҳрир ва таржималарини қиёслаб чуқур ўрганишга тўғри келди. Муаммонинг пайдо бўлиши таҳлил қилинганида «Китаб ал-масалик вал-мамалик» тадқиқига киришилган дастлабки пайтларда тадқиқотчиларга асарнинг санокли нусхаларигина маълум бўлгани ва янги нусхаларнинг аниқланиши турли ихтилофли қарашларни келтириб чиқарганини кўрсатди.

**«Китаб ал-масалик вал-мамалик» қўлёзмалари** деб номланган биринчи бандида асарнинг қўлёзма нусхалари ҳақида маълумот берилди.

«Китаб ал-масалик вал-мамалик» асари қўлёзмалари илк бор тадқиқотларга жалб этилганида унинг санокли нусхалари фанга маълум эди. Бугун уларнинг сони ортиб кетди ва янгиларини қидириб топиш жараёни давом этмоқда. Изланишлар натижасида нашр нусхалари, электрон каталоглар ва тадқиқотлар орқали ҳозиргача асарнинг арабча 16 ва форсча таржимасининг 28 қўлёзма нусхаси аниқланди.

Танқидий матнни тайёрлашда мавжуд нусхалар етарли жалб этилмаганда асар матни ва тадқиқот, албатта, нуқсонли бўлади. Тарихий асарлар кўп нусхаларда кўчирилиши жараёнида матнларда баъзи ўзгаришлар юз беради. Кўчирувчи ё бирор ўқувчи матнга тузатиш ва қўшимча киритган ҳолатлар тез-тез учрайди. Бундай ўзгаришлар барча қўлёзма асарлар нусхаларига хос умумий ҳолатдир. Асар ёзилганидан сўнг муаллиф томонидан қайта таҳрир қилиниб, янги маълумотлар билан тўлдирилган ҳолатлар ҳам учрайди. Бироқ улар унчалик кўп эмас. Ушбу тадқиқотда худди шундай вазиятга дуч келдик.

Мазкур бобнинг **«Арабча матнлари таҳлили»** деб номланган иккинчи бандида «Китаб ал-ақалим» билан иккинчи таҳрир ёки мустақил асар деб қаралаётган «Китаб ал-масалик вал-мамалик» матнлари орасидаги фарқ, олдинги тадқиқотчиларнинг Истахрий илмий меросига оид фикрларидаги чалкашликлар таҳлил қилинди<sup>34</sup>. К. Қандил тайёрлаган «Китаб ал-ақалим» ва «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг Қоҳира танқидий матнлари таққосланди.

Дастлабки текширув «Араб диёри», «Форс денгизи», «Мағриб диёри», «Миср диёри», «Шом ери», «Рум денгизи», «Хузистон», «Кирмон ўлкаси», «Синд ўлкаси», «Арминия, ар-Рон ва Озарбайжон» ва «Хазар денгизи» иқлимлари матнларида деярли тафовутлар йўқлигини кўрсатди.

<sup>34</sup> .11. ص. – ص. 11. الممالك. – ص. 11. الاصلحى. ترجمه فارسی مسالك الممالك. – ص. 11. Истахри. – С. 26; Р. Бейсебаев. Арабские источники IX – начала XIII вв. о Восточном Мавераннахре: Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. – Санкт-Петербург: Российская Академия наук. Институт востоковедения. Санкт-Петербургский филиал. Санкт-Петербург, 2008. – С. 128.



«Муқаддима», «Жазира ери», «Форс», «Жибол», «Дайлам», «Хуросон чўли», «Сижистон», «Хуросон» ва «Мовароуннаҳр» иқлимларига оид айрим матнларнинг катта қисми «Китаб ал-ақалим»да йўқлиги ёки баъзи маълумотлар ўрни алмашиб қолгани аниқланди. Кейин ҳар икки матндаги катта-катта фарқлар, бир-бирини тўлдирган, ўзгартирилган, маълумотлар ўрни алмашган, кўчирувчи йўл қўйган хатолар таҳрир қилинди.

Матнлардаги барча бўлимлар қиёсланиб, таҳлил қилиниши натижасида «Китаб ал-масалик вал-мамалик» ва «Китаб ал-ақалим»нинг ҳар бири мустақил асар мақомига эга, деган хулосага келинди.

**«Форс тилига таржималари ва арабча матнларнинг қиёсий тадқиқи»** деб номланган учинчи бандда «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг арабча матни ва форс тилига таржимаси қиёсланди. Тадқиқотчи С. Волин «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг форсча таржимаси тўғрисида: «Араб тилидаги нусхаси қисқа, таржималар сақланиб қолмаган бошқа таҳрирдан ўгирилган» – деганди<sup>35</sup>. З. Ворожейкина: «Истахрий асарининг форсча таржимаси унинг биринчи таҳририга оид», деб ёзганди<sup>36</sup>.

Арабча матн ва форс тилига ўгирилган таржимани қиёслаш натижасида:

а) тадқиқотга жалб этилган матнлар орасида тўлиқлиги бўйича «Китаб ал-масалик вал-мамалик»нинг арабча матни энг муқаммали экани маълум бўлди;

б) форс тилига таржимаси арабча матндан анчагина қисқа, аммо «Китаб ал-ақалим»дан тўлароқ;

